

Ш о м в а Д а м а ш қ
ф а з и л а т л а р и

Муҳаммад Насоруддин Албоний

МУТАРЖИМ МУҚАДДИМАСИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Барча ҳамду сано оламлар Яратувчиси ва Роббиси бўлган Аллоҳ субҳанаҳу ва таологадир. Уни мақтаймиз ва фақат ундангина ёрдам сўраб илтижо қиламиз ва ёлғиз Ўзидан истиғфор сўраб тавба қиламиз ва барча набийлару росулларнинг саййиди Муҳаммад ﷺ га, у зотнинг оилаларига, асҳобларига ва қиёматгача уларга яхшилик билан эргашган кишиларга салавот ва саломлар бўлсин .

Ҳамду санодан сўнг..

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг барча шаҳарлар орасидан танлаб олган шаҳри бўлмиш муборак Шом шаҳрида, Аллоҳнинг ўз бандалари ичидан танлаб олган, Аллоҳга берган аҳдларига содиқ бўлиб шаҳидлик мақомига эришган ва бу мақомга эришиш орзусида навбат кутаётган мужоҳидлар сафида жангларда иштирок этган ва жабҳа ортида хизмат қилаётган биродарларим ушбу "Шом ва Дамашқ фазилатлари" номли китобни таржима қилишни таклиф қилишди .

Таржимага киришишдан аввал китобни ўқиб чиқдим ва унда Шомга доир ўттиз дона ҳадис келтирилган бўлиб улардан ўн саккизтаси саҳиҳ қолганлари заиф ва мункар ва мавзуъ ҳадислар экан. Шу сабабли баҳоли қудрат фақат саҳиҳларини таржима қилдим. Таржима асносида баъзи хато камчиликларга йўл қўйган бўлсам гуноҳларни кечирувчи, тавбаларни қабул қилувчи Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан мағфират қилишини сўрайман. Аллоҳ бу рисоладаги ҳадисларни ўрганиб, уларга амал қилишга барчамизни муваффақ қилсин. Аллоҳу валийют тавфиқ

10 Ражаб 1435 х.

Абдуллоҳ ибн Қамариддин

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

МУҚАДДИМА

Аллоҳга ҳамд, росулуллоҳга, у зотнинг оилаларига, асҳобларига Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин!

Ҳамду санодан сўнг..

Мен Шом ва Дамашқ фазилатлари ҳақидаги ҳадисларни Ҳофиз абул Ҳасан Рабаийнинг ҳижрий 1370, мелодий 1970 йилда илмий арабий уюшма томонидан Дамашқда нашр қилинган Шом ва Дамашқ фазилатлари номли китобидан олдим ва унга керакли қўшимчалар киритдим ҳамда ўз қаламим ва тадқиқотларим билан ҳадисларни таҳриж қилдим, яъни манбааларини баён қилдим. Одамлар баъзи бир олимларнинг хато гумонларига хилоф ўлароқ Шом фазилати ҳақида кўпгина саҳиҳ ҳадислар борлигини билишлари учун, Шомда яшовчилар эса Аллоҳ Шом туфайли ўзларига берган неъматларини ҳис этиб, солиҳ амал билан ва Аллоҳга холис ибодат қилиш билан бу неъматларга шукур қилишлари учун ўқишга осон ва оммабоп бўлишини назарда тутиб, ҳадисларнинг иснодларини келтирмасдан уларнинг манбаларини ёритиш билан кифояландим. Шу ўринда Шом аҳлига Салмон Форсийнинг Абу Дардо розияллоҳу анҳумога айтган қуйидаги сўзларини эслатиб ўтмоқчиман .

"Улуғ ер инсонни улуғ қилиб қўймайди, балки инсонни ўз амали улуғлайди". Молик Мавтоъ номли китобларида 2/235 рақами билан ривоят қилганлар .

Аллоҳ таолодан бу китобдан мусулмонларни фойдалантиришини ва уни бизлардан чиройли тарзда қабул қилишини сўраймиз, зеро Аллоҳ дуоларни эшитувчи ва қабул қилувчидир.

Дамашқ 3 / 7 / 1379 ҳ.

Муҳаммад Насоруддин Албоний

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ.

Албатта ҳамд Аллоҳ учундир, Уни мақтаймиз ва Ундан ёрдам сўраб истиффор айтамиз. Ўзимиз ва амалларимизнинг ёмонлигидан паноҳ сўраймиз. Кимники Аллоҳ ҳидоятласа уни ҳеч ким адаштира олмас, кимни адаштира бирор кимса уни ҳидоят қила олмайди. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад ﷺ унинг бандаси ва элчиси деб гувоҳлик бераман.

Ҳамду санодан сўнг..

Мақсадга кўчишдан аввал "Шом фазилатлари" китобида келган хабарлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтаман.

Шом ҳақида келган хабарлар 119та бўлиб улар уч қисмга бўлинади:

1. Росулulloҳ ﷺ га етиб борган ҳадислар, уларнинг кўп қисми саҳиҳ, баъзилари эса заиф, айримлари бўлса мавзуй бўлиб, жами 41тани ташкил қилади.
2. Саҳобалар, тобиъийлар ва улардан кейинги кишиларга бориб тўхтаб қолган ҳадислар, уларнинг катта қисми исноди саҳиҳ эмас.
3. Исроилотлар, уларнинг аксари Каъбул ахборга боғлиқ бўлиб иснодлари саҳиҳ эмас.

Бу қисқача билдиришдан сўнг мавзуга доир ҳадисларни баён қиламиз.

БИРИНЧИ ҲАДИС:

Зайд ибн Собит розияллоху анхудан, росулуллоҳ ﷺ дан шундай деганларини эшитдим:

"Шомга жаннат бўлсин! Шомга жаннат бўлсин! Шомга жаннат бўлсин!" Саҳобалар бунинг сабаби нима деб сўрашганда, росулуллоҳ ﷺ: "Аллоҳнинг фаришталари Шомнинг устига қанотларини ёйиб турадилар", деб жавоб бердилар.

Бу саҳиҳ ҳадис бўлиб, Термизий 2/331 рақами остида қайд қилиб, "ҳасан ҳадис" деганлар. Баъзи нусхаларда "саҳиҳ" деганлар. Ибн Ҳиббон "Маваридуз Замон"да 2311 рақами билан, Ҳоким "Мустандрок"да 2/229 рақами билан, Аҳмад "Муснад"ларида 5/183 рақами билан қайд қилганлар.

ИККИНЧИ ҲАДИС:

Абдуллоҳ ибн Ҳавола розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда росулуллоҳ ﷺ айтдилар:

"Яқинда кўп кўшинлар бўлиб, жангга сафарбар қилинасишлар. Бир кўшин Шомда, бошқаси Ироқда, яна бири Яманда бўлади" Абдуллоҳ айтдилар: ўрнимдан туриб, "Ё росулуллоҳ ﷺ менга танлаб беринг", деганимда айтдиларки:

"Шомга боринглар, кимки Шомга боришни истамаса Яманга борсин, унинг анҳорларидан сув ичсин, чунки Аллоҳ азза ва жалла мен учун Шом ва Шом аҳлига кафил бўлди."

Рабиъа, мен Абу Идриснинг ушбу ҳадисни айтиб, "Аллоҳ кимга кафил бўлса у ҳалок бўлмайди", деганларини эшитганман дедилар.

Бу саҳиҳ ҳадис бўлиб, тўрт тарафдан ривоят қилинган. Биз бир тараф билан кифояланамиз.

Уни Макхул Ибн Ҳаволадан ривоят қилганлар, Ҳоким 4/510 рақами билан, Аҳмад 5/33рақами билан, ибн Асакир 1/47-56 рақами билан қайд қилганлар, Ҳоким ва Заҳабий исноди саҳиҳ деганлар.

УЧИНЧИ ҲАДИС:

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда росулуллоҳ ﷺ шундай дедилар:

"Албатта мен китобнинг устунини ёстиғимнинг тагидан тортиб олинганини кўрдим, қараб турсам у порлоқ нур экан, у Шомга суяб қўйилди, огоҳ бўлинглар фитналар содир бўлган пайтда иймон Шомда бўлади."

Фасавий 2/290-291 ва 300, 311, 523 рақами билан, Ҳоким 4/509 рақами билан, Абу Наим "Ҳиля"да 5/252 рақами билан, ибн Асакир 1/92-98 рақами билан қайд қилганлар.

ТЎРТИНЧИ ҲАДИС:

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда росулуллоҳ ﷺ шундай дедиллар:

"Шом тўпланиш ва қайта тирилиш жойидир"

Бу саҳиҳ ҳадис, уни ибн Асакир 163-164 рақами билан қайд қилганлар, Ҳоким икки шайхнинг шартларига биноан саҳиҳ деб 4/509 рақами билан қайд қилганлар.

БЕШИНЧИ ҲАДИС:

Шуъба Муовия розияллоҳу анҳудан марфуъ ҳолда ривоят қилган ҳадисда росулуллоҳ ﷺ айтдилар:

"Агар Шом аҳли бузилса сизларда яхшилик бўлмайди. Умматимдан бир тоифаси доимо ғолиб бўладилар, уларни ёрдамсиз ташлаб қўйганлар қиёматгача уларга зарар бера олмайдилар"

Бу исноди саҳиҳ ҳадисдир. Уни Термизий 2/30 рақами билан қайд этиб "ҳасан саҳиҳ ҳадис" деганлар.

Аҳмад 3/436 ва 5/35 рақами билан, ибн Ҳиббон "Маворид"да 2313, Абу Наим 230- 231 қилганлар.

ОЛТИНЧИ ҲАДИС:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда росулуллоҳ ﷺ шундай дедилар :

"Бу уммат қаерга борса ҳам доимо ғолиб бўлади. Аллоҳнинг амри келгунига қадар уларни ёрдамсиз қолдирган, уларга зарар бера олмайди, уларнинг аксари шом аҳлидир"

Бу ҳадисдаги **"уларнинг аксари Шом аҳлидир"** лафзи заиф, қолган қисми саҳиҳ.

Ушбу ҳадис Умар ибн Хаттоб, Савбон, Жобир ибн Самура, Муғира ибн Шуъба, Уқбату ибн Амир, Жабир ибн Абдуллоҳ ва Муовия розияллоҳу анҳумлардан саҳиҳ йўллар орқали ривоят қилинган.

ЕТТИНЧИ ҲАДИС:

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу айтдиларки: росулуллоҳ ﷺ бомдод намозини ўқидилар, сўнгра қавмга юзланиб шундай дедилар:

"Эй Аллоҳим бизлар учун Мадинамизга баракот бер ва бизлар учун муддимизга ва соъимизга (иккиси ҳам ўлчов бирлиги бўлиб, бу ўринда тарозуда ўлчанадиган деҳқончилик маҳсулотлари назарда тутилган) барокот бер. Эй Аллоҳим, бизлар учун ҳарамимизга баракот бер ва бизлар учун Шомимизга баракот бер", шу пайт бир киши Ироққа ҳам деди, росулуллоҳ ﷺ индамадилар, у киши яна Ироққа ҳам деди, росулуллоҳ ﷺ яна индамадидар сўнгра шундай дедилар : **"Эй Аллоҳим бизлар учун Мадинамизга баракот бер ва бизлар учун муд ва соъимизга баракот бер, эй Аллоҳим бизлар учун Шомимизга баракот бер, эй Аллоҳим барака устига барака бер, жоним қўлида бўлган зотга қасамки, Мадинанинг қайси жойида бирор дара ва бирор йўл бўлмасин, сизлар келишларинг учун уни икки фаришта қўриқлаб туради . . . "**

Бу ҳадис саҳиҳдир, уни Муслим Абу Дардо ривояти орқали 4/117 рақам билан қайд қилганлар, лекин у киши **"барака устига иккита барака бер "** лафзи билан келтирганлар.

САККИЗИНЧИ ҲАДИС:

Абдуллоҳ ибн Ҳаволадан ривоят қилинади: Ё росулуллоҳ ﷺ мен унда бўлишим лозим бўлган шаҳарни ёзиб беринг, агар сизни (доимо) қоласиз деб билганимда эди, сизни яқинингизда бўлишдан бошқасини танламаган бўлардим. Шунда росулуллоҳ ﷺ:

"Шомга боргин, Шомга боргин, Шомга боргин", дедилар. Сўнгра у кишини Шомга боришни истамаётганларини кўрганларида шундай дедилар: Биласизларми Аллоҳ азза ва жалла нима дейди?.. Айтадики: "Эй Шом! эй Шом, менинг қўлим сенинг устингдадир, эй Шом, сен шаҳарларим ичидан танлаб олган шаҳримсан, сенга бандаларимдан танлаб олганларимни киргизаман, сен менинг ўч олувчи қиличимсан, азобловчи қамчимсан, сен хирмонсан ва тўпланиш ҳам сенда бўлади."

Мен исро кечасида марваридга ўхшаган оппоқ устунни кўрдим. Уни фаришталар кўтариб кетишаётганди, нимани кўтариб кетяпсизлар деб сўрадим. Шунда улар, Исломнинг устунини кўтариб кетяпмиз, уни Шомга қўйишга буюрилганмиз дедилар.

Мен ухлаётган эдим, тушумда бир китобни кўрдим, уни ёстиғимни тагидан ўғирлаб олинди шунда мен Аллоҳ ер аҳлидан воз кечди деб ўйладим, қараб турсам у нур бўлиб менинг олдимда порлаб турарди, охири у Шомга қўйилди. Кимки Шомга боришни истамаса Яманга борсин ва унинг анҳорларидан сув ичсин, чунки Аллоҳ ҳақиқатан мен учун Шомни ва Шом аҳлини ўзининг кафиллигига олди."

Бу ҳадисдаги "Эй Шом, эй Шом менинг қўлим сенинг устингдадир, эй Шом" ва "сен ўч олиш қиличим, азоблаш қамчимсан ва сен хирмонсан" лафзидан бошқа барча лафзлари саҳиҳ.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ҲАДИС:

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Кунларнинг бирида росулуллоҳ ﷺ айтдилар:

"Албатта мен тушимда фаришталарни кўрдим, улар китобнинг устунини олдилар сўнгра уни Шомга суяб қўйдилар, фитналар содир бўлган вақтда иймон шомда бўлади."

Ушбу ҳадис саҳиҳ бўлиб, уни Ибн Асакир шу йўлдан ривоят қилганлар ва яна Райҳон ибн Саъид ривояти билан ҳам келтирганлар.

ЎНИНЧИ ҲАДИС:

Солим ибн Абдуллоҳ оталаридан ривоят қилиб айтдиларки, росулуллоҳ ﷺ шундай дедилар:

"Яқинда, охир замонда Ҳазрамавтдан бир олов чиқади ва одамларни тўплайди", дедилар. Шунда, Ё росулуллоҳ бизларни нимага буюрасиз деб сўрадик? Росулуллоҳ ﷺ **"Шомга боринглар "**, дедилар.

Бу ҳадис саҳиҳ бўлиб уни Аҳмад 2/8, 53, 69, 99, 119 рақами билан қайд қилганлар, Термизий "Алфитан"да келтириб саҳиҳ деганлар, ибн Можжа "саҳиҳларида" келтирганлар.

Аҳмад имом Бухорий ва Муслим шартига кўра саҳиҳ деганлар, уни Ибн Асакир ҳам ривоят қилганлар ва 1/75,76,77 рақам билан, Фасавий эса 2/303 рақами билан қайд қилганлар.

ЎН БИРИНЧИ ҲАДИС:

Баҳз ибн Ҳаким ибн Мовия Қушайрийдан ривоят қилинади, у киши оталаридан, оталари боболаридан ривоят қилиб айтадилар:

"Айтдимки: Ё росулуллоҳ ﷺ бизларни каерга(боришга) буюрасиз? росулуллоҳ ﷺ Ҳў у ёққа деб, қўллари билан Шом тарафга ишора қилдилар, яна дедиларки: Албатта сизлар пиёда ва отлиқ ҳолда тўпланасизлар, юзтубан қилиб юргизиласизлар"

Бу саҳиҳ ҳадис бўлиб, уни Аҳмад 5/3 ва 5 рақами билан қайд қилганлар, Термизий "Алфитан" ва "Аззуҳд" да келтирганлар, Ҳоким 4/564 рақами билан, Ибн Асакир 1/82-86 рақами билан қайд қилганлар, Ҳоким исноди саҳиҳ деганлар, заҳабий ҳам шу фикрдалар.

ЎН ИККИНЧИ ҲАДИС:

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, росулуллоҳ ﷺ айтдилар:

"Қонли жанг кунда мусулмонлар тўпланадиган шаҳар Дамашқ номли шаҳарнинг ёнида "Ғуто" водийсида бўлади, у Шом шаҳарларининг энг яхшисидир"

Иккинчи ривоятда Абу Дардо айтадиларки, мен росулуллоҳ ﷺ шундай деганларини эшитганман:

"Катта қонли жанг кунда мусулмонлар тўпланадиган шаҳар "Ғуто" номли водийда бўлади, у ерда "Дамашқ" деб аталмиш шаҳар бор. У ана шу кунда мусулмонлар манзилларининг энг яхшиси бўлади."

Бу ҳадис саҳиҳ бўлиб, уни Абу Довуд 2/210, Фасавий 2/290, Ҳоким 4/486 Аҳмад эса 5/197 рақами билан қайд қилганлар, Ҳоким ва Заҳабий исноди саҳиҳ деганлар.

ЎН УЧИНЧИ ҲАДИС:

Авс ибн Авс Сақофий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у киши росулуллоҳ ﷺ дан шундай деганларини эшитган эканлар, **"Исо ибн Марям Дамашқнинг шарқий тарафидаги оқ миноранинг олдига тушадилар"**

Бу ҳадис саҳиҳдир уни Табароний "Алмуъжамул Кабир"да 1/217-590, Ибн Асакир 215-216 рақами билан қайд қилганлар.

ЎН ТЎРТИНЧИ ҲАДИС:

Кайсан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, мен росулуллоҳ ﷺ ни шундай деганларини эшитганман:

"Исо ибн Марям алайҳимус салам Дамашқнинг шарқий тарафидаги оқ миноранинг олдига тушадилар"

Бу ҳадиснинг исноди саҳиҳ, уни Ибн Асакир 1/216 -217 рақам билан ривоят қилганлар, ўн бешинчи ҳадис ҳам уни қувватлайди.

ЎН БЕШИНЧИ ҲАДИС:

Навос ибн Самаън Килобий розияллоху анхудан ривоят қилинади, мен росулуллох ﷺ ни шундай деганларини эшитганман:

"Исо ибн Марям алайҳимус салам Дамашқнинг шарқий томонидаги оқ минора олдиға тушадилар"

Бу ҳадис саҳиҳ, 8/198 Абу Довуд 2/213, Ибн Можжа 508-512, Термизий 2/37, Ҳоким 4/492-494, Аҳмад эса 4/181 рақами билан қайд қилганлар, Термизий ҳасан саҳиҳ деганлар. Ҳоким Бухорий ва муслимнинг шартларига кўра саҳиҳ деганлар

ЎН ОЛТИНЧИ ҲАДИС:

Авс ибн Авс Сақофий розияллоху анхудан ривоят қилинади, у киши росулуллох ﷺ ни шундай деганларини эшитганлар :

"Исо ибн Марям Дамашқнинг шарқий томонидаги оқ минора олдиға тушадилар, эгниларида оч сарик рангли иккита кийим бўлади, гўёки у кишини бошларидан марварид доналари ёғиб тургандек бўлади"

Бу ҳадис саҳиҳ.

ЎН ЕТТИНЧИ ҲАДИС:

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади, у киши росулуллох ﷺ дан шундай деганларини эшитганлар :

"Агар қонли жанглар содир бўлса, Аллох Дамашқдан отлари зотдор, қуроллари аъло бўлган араблардан бир гуруҳини юборади ва улар билан динни қувватлайди"

Саҳиҳ ҳадис, уни Ибн Можжа 2/520, Фасавий 2/291, Ибн Асакир 1/258 рақам билан қайд қилганлар, Ҳоким эса бу ҳадис Бухорийни шартига кўра саҳиҳ деб 4/584 рақами билан қайд қилганлар.

ЎН САККИЗИНЧИ ҲАДИС:

Авф ибн Мадик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Мен росулуллох ﷺ ни олдиларига келдим, у киши уйларида эканлар, у кишига салом бердим, у зот "Эй Авф!" дедилар.

- Лаббайка ё росулуллох, дедим.
- Ичкари кир, дедилар.
- Эшикдан қарайинми ёки ичкарига кирайми, дедим.
- Ичкарига кир, дедилар ва қиёматдан олдин бўладиган олти нарсани санаб бердилар.
- Биринчиси: менинг ўлимим.

Авф айтадилар: Йиғладим, ҳатто росулуллох мени тинчлантирдилар, сўнгра

- Бир дегин. дедилар ва иккинчиси: Байтул Макдиси фатҳи, икки дегин, учинчиси: Умматим ичида жуда катта фитна бўлади. Тўртинчи: Умматимда бир қирғин содир бўлади, бу қирғин уларни худди қўйларга теккан касаллик каби ўз домига олади. Бешинчиси: сизларда мол жуда қўпайиб кетади, ҳатто бир кишига юз динар берилса менга шу арзимаган пулни беряпсанми деб ғазабланади, беш дегин дедилар. Олтинчиси: Сизлар билан Византияликлар орасида сулҳ бўлади. Улар сизларга саксонта байроқ остида келадилар, ҳар бир байроқ остиди ўн икки минг одам бўлади. Мусулмонлар тўпланадиган шаҳар ушбу кунда Ғуто номли ерда бўлади, у ерда Дамашқ дея аталмиш шаҳар бор.

Саҳиҳ ҳадис, уни Аҳмад 2/25, Ҳоким 4/419,422,423 рақам билан қайд қилганлар ва саҳиҳ деганлар, Бухорий 6/213, Ибн Можжа 2/496, 497, Абу Наим "Ҳиля"да 5/128, Алмақдисий "Фазаилушшом"да 44/2 рақами билан қайд қилганлар.

Муҳаммад Насируддин Албаний.

Абу Абдур Роҳман.